КУТУБХОНАСИ

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 112 (10.165) / 2004 ЙИЛ 14 ИЮНЬ

## ХХР РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

**Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао 2004 йил 14-18 июнь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.**

**Ўтказиладиган музокаралар чоғида Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмокда.**

## “ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ”

**Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг “Жаҳон” ахборот агентлигига интервьюси**



**- Жаноб Раис, Хитой сўнгги ўн йилликларда иқтисодиёт, илм-фан, ижтимоий соҳа, маданият ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида ҳавас қилса арзигулик юқори ва барқарор тараққиёт суръатларига эришди. Фикрингизча, мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар муваффақиятининг сири нимада, Хитой тараққиёти стратегия ва тактикаси нимага асосланади?**

- Республикангизга давлат сафарим арафасида бўлиб ўтаётган ушбу мулоқотдан ғоят мамнунман. Дўстларим - Ўзбекистон матбуоти вакилларининг Хитой-Ўзбекистон муносабатларига катта эътибори учун ўз миннатдорлигимни изҳор қиламан. Аввалламбор, “Жаҳон” ахборот агентлиги орқали дўст Ўзбекистон халқига Хитой халқи номидан илиқ саломим ва самимий тилакларимни етказмоқчиман.

Сўнгги 25 йил давомида Хитой ислоҳот ва очиқлик тамойилига қатъий амал қилиб келаяпти. Социалистик бозор иқтисодиёти тизимининг шаклланиш босқичи якунланаяпти; очиқ турдаги иқтисодиёт юзага келди; ишлаб чиқариш кучлари ва мамлакатнинг умумий қудрати сезиларли ривожланди; ижтимоий масалалар кенг кўламда ҳал қилинмоқда; халқ ҳаётида умумий ўртаҳоллик даражасига эришишдаги тарихий ўтиш босқичи якунланди. Хитойдаги бундай оламшумул ўзгаришларнинг замирида, аввалламбор, мамлакатнинг ўз социализм қуриш йўлидан оғишмай бораётгани, ислоҳот ва очиқлик йўли танлангани, аҳолини фаоллик, ташаббускорлик ва бунёдкорлик руҳига ҳар томонлама чорлаганимиз ётади, деб биламан. Ҳаёт шуни кўрсатаяптики, бу ривожланиш йўли Хитой воқелигига мос келади ва мамлакатнинг 1,3 млрд. нафар фуқароси томонидан самимий қўллаб-қувватланмоқда.

Хитойнинг истиқболли тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш ва бу борада қабул қилинадиган қарор кенг омма манфаатларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва ривожлантириш мақсадларига қаратилган. Биз катта муваффақиятларга эришдик, лекин Хитойда миллиарддан зиёд аҳоли истиқомат қилади; ишлаб-чиқариш кучлари етарли ва равон даражада ривожланмагани боис иқтисодий база кучсиз; мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан атроф-муҳит ва табиий ресурслар масаласи ўртасида жиддий номувофиқликлар мавжуд. Жон бошига ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари минг долларга етган бўлишига қарамай, Хитой жаҳон иерархиясида биринчи юз давлатдан кейинги ўринда турибди. Халқ фаровонлиги учун мамлакатни замонавийлаштириш бўйича узоқ йўл босиш ва сидқидилдан меҳнат қилиш зарур.

Давоми 2-бетда.

**Куни кеча Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида хитойлик санъат усталарининг «Суратларда акс этган Хитой» деб номланган бадиий кўргазмаси очилди.**

## ХИТОЙ САНЪАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Иқтисодиёт, илм-фан, ижтимоий соҳа, маданият ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида юксак тараққиётга эришиб келаётган Хитой Халқ Республикаси ҳаётига бағишланган фотокўргазманинг намойиши Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг мамлакатимизга давлат ташрифи ҳамда Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) саммити очилиши арафасига тўғри келгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Маълумки, хитойлик сурат усталарининг ишлари ҳамшаҳарларимизга яхши таниш. Кўргазмадан дўст мамлакат фотоусталарининг Хитой халқи ҳаёти ва тарихига оид асарлари кенг ўрин олган. Хусусан, Хитой фотографлари ассоциацияси томонидан тақдим этилган кўргазмада хитойлик машҳур фотография усталарининг 40 та бадиий суратларида кўҳна давлатнинг бугунги куни, илм-фан, техника, санъат, маданиятни юксалтириш соҳаларида эришган улкан ютуқлари, она-табиатнинг бетакрор манзаралари, айниқса Буюк Хитой девори, Будда ибодатхоналаридаги маънавий ҳаёт, Хитой халқининг фақат ўзига хос бўлган урф-одатлари, турмуш тарзи, санъати ҳақидаги лавҳалар юксак маҳорат билан акс эттирилганини кўриш мумкин.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Фарғонада Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Ёшлар ишлари қўмитасининг қўшма сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун ижроси муҳокама қилинди.**

**● Сайидо Насафий номидаги Қашқадарё вилояти марказий кутубхонасида Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг кенгайтирилган сайёр йиғилиши ўтказилди.**

**● Тошкентда «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ҳамда ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни амалга оширишга кўмаклашиш» лойиҳаси асосида Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳамда ҳаммуаллифликка оид қонунчилигини Европа меъёрлари ва стандартларига уйғунлаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

**● «Темир йўллари-суғурта» агентлиги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги вагонлар, платформалар, цистерналар ва контейнерларни суғурталашни йўлга қўйди.**

**● «Маҳалла» хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими Меҳр ва мурувват йилида хайрли ишга қўл уриб, жамғарма қошида ёшларнинг ахборот технологиялари асосидаги билимини ошириш мақсадида «Интексёрдам» фирмасини очди.**

**● Қашқадарё вилоят пиллакорлари қабул пунктларига 1 минг 815 тонна сифатли пилла топшириб, шунингдек Самарқанд вилояти пиллакорлари эл хирмонига 1 минг 400 тонна хом ашё етказиб, шартнома-режаларини ортиғи билан бажаришди.**

### Жаҳонда

**● Суверенитет тўғрисидаги Декларация қабул қилинган сана муносабати билан Москвада ўн иккинчи бор Россия куни миллий байрами кенг нишонланди.**

**● АҚШ Президенти Жорж Буш терроризмда гумон қилинган шахслар, шу жумладан Ироқда қўлга олинган кишилар устидан сўроқ жараёнлари АҚШ қонунлари асосида амалга оширилишини билдирди.**

**● Чехия ташқи ишлар вазирлиги маълумотига кўра, Чехия Шимолий Кореяда ўз элчихонасини очмоқда.**

**● АҚШнинг 40-Президенти Рональд Рейганнинг дафн маросимида собиқ давлат раҳбарининг 700 га яқин дўстлари ва оила аъзолари иштирок этди.**

**● Хитойда ғайриоддий зотилжам (SARS)га қарши вакцина клиник текширувлардан ўтказилмоқда. Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти вакилларининг маълум қилишича, вакцина синовлари ўз розилигини берган тўрт кишида амалга оширилмоқда.**



*Биродарлашган шаҳарлар*

## ГЕРМАНИЯ ДИЁРИДАГИ САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

**(Берлин таассуротлари)**



**Бугунги кунда мамлакатимиз том маънода жаҳонга юз тутди. Ҳозирда Ўзбекистонни дунёдаги барча қитъаларнинг деярли ҳамма мамлакатлари билан боғлаб турувчи ҳаво кўприклари мавжуд...**

**Яқин ўтмишда чет элга чиқиш юртдошларимиз учун ноёб бир бахтдек эди. Марказ рухсатисиз қуш ҳам четга чиқиб кетолмаслиги даражасида тўсиқлар мавжуд бўлган. Бугун эса Истиқлолимиз туфайли деворлар қулаган, ўзбекистонлик сайёҳлару тадбиркорлар ҳам, ижод вакиллари, расмий делегациялар тинимсиз дунёнинг турли бурчакларига боришяпти, темир йўллар, автотрассалар бўйлаб ҳаракат қилишяпти.**

**Ўша марказ ихтиёри билан жорий қилинган шаҳарлар ўртасидаги зўрма-зўраки алоқалар ҳам ўз-ўзидан барҳам топди. Эндиликда озод ва тенг ҳуқуқли дўстлик ришталари кун сайин мустаҳкамланиб боряпти. Ўтган аср бошларида ўзбек зиёлилари бошлаб берган Европа қитъасининг йирик давлати Германия илм ва маданият аҳли билан дўстона алоқалар қайта тиклангани, мустаҳкамланиб бораётгани биз учун ғоят қадрлидир.**

**Шу жиҳатдан Берлин шаҳри бургомистри таклифига биноан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов бошчилигидаги делегациянинг яқинда Германиядаги учрашувлари самарали бўлди. Жумладан, ташриф доирасида Берлин шаҳри бургомистри Клаус Воверайт билан бўлиб ўтган учрашув чоғида Ўзбекистон ва Германия пойтахтлари маъмуриятлари даражасидаги алоқалар ҳолати муҳокама этилиб, икки биродарлашган шаҳарлар ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш борасида шаҳарсозлик ва меъморчилик соҳаларида тажриба алмашиш, коммунал ва транспорт тизимини такомиллаштириш, шунингдек иқтисодий алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикрлар алмашуви ўз ижобий самарасини бериши, шубҳасиз. Тошкент ва Берлин ўртасидаги биродарлашув муносабатлари доирасидаги ушбу ташриф дастури мазмунли ташкил этилганлиги боис Берлин тимсолида бадавлат мамлакат билан яқиндан танишиш, унинг имкониятлари ва салоҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш ва албатта учрашувлар, суҳбатлар чоғида олган таассуротлар негизида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги режаларга аниқлик киритиб олишга имконият пайдо бўлди. Ана шу асосда бугун газетхонларни сиртдан бўлса-да, биз билан Берлинга саёҳат қилишга, унинг турмуш тарзи, маданияти, иқтисодий ва сиёсий ҳаёти билан яқиндан танишишга таклиф этамиз.**

Давоми 4-5-бетларда.

## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Хитойда Шимолий Кореянинг ядровий дастури борасида олти томонлама музокараларнинг навбатдаги янги босқичи бошланиш арафасида. Маълумки, муаммони ҳал қилиш йўлида шу пайтгача ўтказилиб келинган барча музокаралар самарасиз якунланган. Навбатдаги олти томонлама учрашув шу йилнинг 20 июнига мўлжалланган.

● АҚШ маъмурияти Исроил Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидан яҳудийлар аҳоли пунктларини кўчириш тўғрисидаги режани қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Мазкур режани 14 вазир ёқлаб овоз берди, 7 нафари ҳали ҳам ўз қаршилигини билдиришмоқда. Ғазо секторида яҳудийлар аҳоли пунктларини кўчириш ишларини бошлаш учун яна бир овоз етмаяпти.

● МАГАТЭ Эроннинг ядро дастурини ўрганишни яқин бир неча ойларга тўхтатиб туришни режалаштирмоқда. Агентлик раҳбари Муҳаммад Ал-Барадеи бу ҳақда маълум қилди. Расмий Теҳроннинг маълум қилишича, Эроннинг ядровий дастури тинчлик характерига эга.

● Хитой давлати 2017 йилдан сўнг, фазогир томонидан бошқариладиган космик аппарат ёрдамида Ойга сафар уюштирилишини маълум қилди. Унгача эса фазогирсиз аппарат ёрдамида бир неча сафарлар амалга оширилиб, Ой сатҳининг топографик суратлари олинади. Шунингдек, Ой жинсларининг намуналари ҳам йиғилади. Ушбу лойиҳа Хитой халқ оғзаки ижоди қаҳрамони афсоналарида Ойга сайр қилган сеҳргар Чан номи билан аталган.

● Саудия Арабистони пойтахти Ар-Риёд шаҳри яқинида Би-Би-Сининг тасвирга олиш гуруҳига номаълум кучлар ҳужум қилди. Оқибатда оператор ва фотожурналист Саймон Камберс ҳалок бўлди, журналист Фрэнк Гарднер жароҳатланди. Ҳозирда у шифохонага ётқизилган. Ўтган ҳафтада Би-Би-Синнинг бу икки ходими Хубар шаҳрига жўнатилган эди.

● Франция, Испания, Италия ва Бельгия давлатларининг махсус хизматлари бир пайтнинг ўзида халқаро террорчи гуруҳларга алоқадор бўлган шахсларни оммавий қидириш ишларини бошлашди. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги хабар тарқатган.

● Туркия полицияси НАТО саммити олдидан курд оммавий ахборот воситаларида ишлаётган 25 нафар журналистни қўлга олди. Улардан компьютер ва жиҳозлар тортиб олинган. Бир репортёрнинг сўзларига қараганда, журналистлар ноқонуний ташкилотларга алоқадорликда гумон қилинмоқда.

# “ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ”

Давоми. Боши 1-бетда.

Биз Дэн Сяопин назарияси ва “уч томонлама ваколатлик”нинг муҳим ғояларига суянган ҳолда тараққиётнинг илмий асосига қатъий амал қиламиз, яъни инсон манфаатлари йўлида уйғун ва давомий ривожланишни ҳаётга татбиқ қиламиз. Бу Хитой халқи ва ҳукумати учун ислоҳот, очиқлик ва мамлакат муваффақиятлари тажрибасини умумийлаштириш, жаҳоннинг бошқа мамлакатлари тараққиётидан сабоқ олишга асосланган янги тушунчадир. Биз аввалгидек кучларимизни иқтисодий қурилишда жамлайверамиз ва уни инсоннинг ҳар томонлама камолотга эришишига йўналтирамиз. Бу борада эътибор шаҳар ва қишлоқнинг ягона режалаштириш, иқтисодий ва ижтимоий соҳани кўтариш, инсон ва табиат уйғунлигини таъминлаш, шунингдек, мамлакат ички тараққиётининг ташқи дунё учун очиқлиги, фаровон ҳаёт даражасига эришиш ва экологияни яхшилаш йўлидан собитқадамлик билан бораверишга қаратилади.

**- Хитойда сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришларни назарда тутган ҳолда Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, давлатимиз раҳбарияти томонидан танланган тараққиёт моделига қандай баҳо берасиз?**

- Мустақилликни қўлга киритгач, мана ўн икки йилдирки Ўзбекистон халқи мамлакат қудратига катта интилиш сари сиёсий, ижтимоий, иқтисодий соҳаларда ислоҳотларни тинмай олдга сураётгани ва қувонарли муваффақиятларга эришаётганидан мамнунмиз.

Дўст қўшни сифатида Ўзбекистон халқи томонидан танланган йўлни хурмат қиламиз, мамлакатнинг ижтимоий барқарорликни таъминлаш, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни тараққий эттириш бўйича саъйи ҳаракатларини тушунамиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Биз Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларни кенгайтириш, жаҳоннинг бошқа давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш бўйича тутган йўлини қувонч билан таъкидлаймиз.

**- Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов билан бўлиб ўтадиган музокаралар чоғида қайси мавзуларни муҳокама қилишни режалаштирмоқдасиз? Бугунги кунда икки мамлакат қайси муаммоларга алоҳида эътибор қаратишлари зарур, деб ўйлайсиз?**

- Президент И.А.Каримов таклифига биноан мен 14 июнда мамлакатингизга давлат ташрифи билан бораман ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент анжуманида иштирок этаман. Мазкур ташриф давомида Ўзбекистон раҳбари билан икки томонлама ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ўзаро фикр алмашамиз. Музокаралар чоғида асосий эътибор мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, “уч ёвуз куч” – террорчилик, айирмачилик ва экстремизм, шунингдек, “Шарқий Туркистон” террорчи кучларига қарши кураш, минтақада хавфсизликни таъминлаш ҳамда мамлакатларимизнинг ШҲТ доирасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш масалаларига қаратилади.

Ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатларини келгусида ривожлантириш учун томонлар икки асосий йўналишдаги алоқаларни кучайтиришлари зарур:

1. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳаси. Хитой ва Ўзбекистон қўшни мамлакатлар бўлиб, иқтисодиётда ўзаро тўлдирувчанлик хусусиятига эга. Бу эса савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта устунлик ва имкониятлар ато этади. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасида маҳсулот айирбошлаш рекорд кўрсаткичда қайд этилиб, унинг ҳажми 300 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида Хитойнинг тўртинчи савдо шеригига айланди. Биз икки мамлакат корхоналари ўртасидаги самарали ҳамкорликни қўллаб-қувватлаймиз. Айниқса, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизга узоқ муддатли импульс бағишлаган йирик иншоотлар бўйича ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2. Хавфсизликни таъминлаш соҳаси. Сўнгги йилларда халқаро террорчилик хуружлари тобора тез-тез содир этилиб, турли мамлакатлар халқларига катта талофот етказмоқда. “Уч ёвуз куч” - террорчилик, айирмачилик ва экстремизмнинг кескин қулоч ёйиши минтақа барқарорлигига катта хавф туғдираётир. Хитой қатори Ўзбекистон ҳам бундай таҳдидлардан азият чекмоқда.

**— Ўзбекистон ҳақида қандай тасаввурга эгасиз, мамлакатимизга ташриф давомида нималарни кўришни, билишни ва ўзингиз учун кашф этишни хоҳлардингиз?**

— Сўнгги марта Ўзбекистонга 1995 йилнинг октябрь ойида ташриф буюрганман. Ўшанда Тошкентдан ташқари Президент И.А.Каримовнинг она шаҳри бўлган, Марказий Осиёда кенг танилган Самарқандга саёҳат қилгандим. Ўзбекистон ўзининг қадимий тарихи, бой маданияти билан менда чуқур таассурот қолдирган. Мамлакатингиз заминида яшаб ижод этган Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари дунёга машҳур олимлар ва мутафаккирлар инсоният цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшишган. Халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик риштлари қадим тарихга бориб тақалади. Кўҳна Ипак йўли халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг ривожи учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилган. Бутун тарих давомида қадимий миллатларимиз бир-бириданн ўрганган, ўзаро тажриба алмашган. Хитой Марказий Осиё халқларидан ток, беда ва бошқа қишлоқ хўжалиги ўсимликларини етиштиришни ўрганган. Ўз навбатида Хитой ипакчилиги ва ип йигириш техникаси Ўзбекистонга Ипак йўли орқали кириб келган.

Июнь ўртасида мамлакатингизга ташрифни ва Президент И.А.Каримов билан учрашувни интиқлик билан кутмоқдаман. Хитой халқининг Ўзбекистон халқига дўстона ва самимий тилакларини етказиш ниятидаман. Жамиятингизнинг турли доиралари вакиллари билан учрашувлар ўтказиш, шунингдек, жаҳонга машҳур Бухоро шаҳрига саёҳат қилиш режалаштирилган. Бу сафар давомида Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи ва маданияти ҳамда халқингизнинг мустақил давлатчилик барпо этишдаги янги ютуқлари билан янада яқинроқ танишиш имконига эга бўламан.

**- Ўзбекистонга давлат ташрифингиз дастури якунлангач, Сиз ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этасиз. Мамлакатларимизнинг бу ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигининг устувор йўналишлари нималардан иборат, деб ўйлайсиз?**

- ШҲТнинг асосий мақсади аъзо давлатлар ва бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиётини таъминлашга кўмаклашишдан иборат. Уч йил мобайнида ШҲТ ўз тикланиш жараёнининг дастлабки босқичини якунлади ва амалий ҳамкорлик даврига қадам қўйди. Тошкент саммитининг асосий вазифаси ана шу амалий ҳамкорликнинг аниқ дастурларини ишлаб чиқишдир.

Хитой ва Ўзбекистон ШҲТнинг муҳим аъзоларидир, биз Ташкилот доирасидаги ўзаро ҳамкорлигимизни юқори баҳолаймиз. Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни фаоллаштиришга тайёр. Бу, биринчидан, ШҲТнинг минтақадаги тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги мавқеини оширишга, Тошкентдаги Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг тўлақонли фаолиятини таъминлашга туртки беради. Иккинчидан, ташкилотнинг барча аъзолари ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва шу маънода, авваламбор, минтақалараро транспорт ташувини йўлга қўйиш учун қулай шароитлар барпо этишда янги натижаларга эришиш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, ШҲТ доирасидаги амалий ҳамкорлик олти мамлакат халқлари учун янада кўпроқ манфаатлар келтириши керак.

**“Жаҳон” АА**

# ХИТОЙ САНЪАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Яна шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ушбу кўргазмани томоша қилган киши беихтиёр хитойлик суратчиларнинг юксак иқтидорларига тан бермай иложи йўқ. Чунки томошабин ижодкордаги нафақат фотоусул, балки тасвирни компьютер ёрдамида қайта ишлаш каби бадиий ифода воситаларининг ҳам ҳақиқий устаси эканлигини кўради.



Кўргазманинг очилиш маросимида ХХР фотографлари ассоциациясининг вице-президенти Жаноб Ло Генцзянь бошчилигидаги сураткашлар, Хитойнинг юртимизда фаолият юритаётган элчихонаси ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этади. Ушбу маданият байрами шаҳримизнинг қатор гўшаларида давом этади. Жумладан, Киночилар уйида Хитой киноси кунлари, Бадиий академиянинг кўргазмалар залида Хитой рассомлари кўргазмаси, «Туркистон» саройида «Хитой маданияти кунлари» ўтказилиб, унда хитойлик ижодкорларнинг яратган фильмлари, мўйқалам усталарининг ўлмас асарлари, бебаҳо санъати билан танишган ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари бир олам таассуротларга эга бўлишлари шубҳасиз.





**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Суратларда акс этган Хитой» деб номланган фотокўргазмадан лавҳалар.**

**Владимир Гранкин олган суратлар.**

*Тиббиёт*

## ЛОЙИҲА ДАВОМ ЭТАДИ

**Республикамизда «Ҳамширалик таълими тизимини яхшилаш» лойиҳасини амалга оширишга киришилганига беш йил бўлди. Ўзбекистон ва Япония ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик дастури доирасида юзага келган ушбу нуфузли лойиҳа бўйича кўпгина хайрли ишлар қилинди.**

Япония ҳукумати томонидан ажратилган грант лойиҳанинг муваффақиятли якунланиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Беғараз ёрдам сифатида берилган 300 миллионга яқин йен маблағи ҳисобига кўплаб тиббиёт коллежлари, олий ўқув юртлари ўқув адабиётлари, зарур техник асбоб-ускуналарга эга бўлдилар.

Биринчи Республика тиббиёт коллежида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари иштирокида ўтказилган анжуманда лойиҳани 2009 йилгача узайтиришга келишиб олинди.

## АМЕРИКАЛИК МУТАХАССИСЛАРГА МАНЗУР

**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ҳамширалик иши» дастури йўналиши бўйича қатор тиббий тадбирлар кўрилмоқда. Ана шу жараёнлар чет эллик мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.**

Америкадаги Миннесота университети ҳамширалик иши коллежи делегациясининг республикамизга қилган ташрифи бунинг яққол мисоли бўла олади.

Биринчи ва иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтларида уюштирилган учрашувлар ҳам меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Айни вақтда давра суҳбатларида Америка соғлиқни сақлаш халқаро Иттифоқи лойиҳаси бўйича ҳамширалик таълимининг ўзига хос афзалликлари ҳақида маълумотлар берилди.

## ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

**Тошкентдаги Боровский номидаги тиббиёт коллежида кадрлар тайёрлаш йўлида бой маърифий тажриба орттирилаётир. Ана шу жараён бельгиялик мутахассисларда ҳам яхши фикр уйғотди.**

Гап шундаки, Бельгиянинг Мозана олий мактаби ҳузуридаги Халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш институти делегацияси яқинда бу ўқув юртига ташриф буюрди. Бельгиялик меҳмонлар республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази фаолияти билан ҳам танишдилар.

Бельгиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида ташкил этилган учрашув чоғида мамлакатимиз малакали шифокорлар тайёрлашда эришилаётган ютуқлар ҳақида яхши гаплар айтилди.

**Акбар АЛИЕВ**

# ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

**Фонд бозорида тижорат банклари фаолиятини давлат томонидан тартибга солишдан мақсад, қимматли қоғозларнинг бир маромда ва хатарсиз муомалада бўлиши, қимматли қоғозлар олди-сотдиси орқали иқтисодиётга инвестиция қилиш учун шароитлар яратиш, инвестицияни амалга оширишда сармоядорлар томонидан мумкин бўлган йўқотишларни энг кам ҳолатга келтириш, савдолар ташкилотчилари ва фонд бозорларининг профессионал иштирокчиларининг барқарор ишлашини таъминлашдир.**

Фонд бозорида барқарорликка эришган ҳолда, давлат бу билан иқтисодиётнинг ўзини-ўзи тартибга солиши, пул маблағларининг бир тармоқдан бошқасига оқиб келиши учун шароит яратади, шу тариқа халқ хўжалиги мустаҳкамланади. Охир-оқибатда қимматли қоғозлар бозорининг бир маромда фаолият олиб бориши иқтисодиётга самарали таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари фаолиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий босқичлари ва йўналишлари, жумладан, меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, тижорат банкларининг ушбу бозордаги фаолиятини, фонд воситаларининг турларини кенгайтириш каби ишларни кучайтириш, давр талаблари асосида такомиллаштириш жоиздир.

Бизнингча, қимматли қоғозларга инвестиция қилиш чоғида хатарларни пасайтириш мақсадида йўқотишлар ўрнини қоплашнинг турли хил шаклларини, қимматли қоғозлар бозорида ўзаро кафолатлар ва суғурта тизимларини яратиш; қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бўлган ташкилотларда етакчи лавозимларни эгаллаб турган шахсларнинг касб ваколатига бўлган талабларни ошириш; уюшган бозорларда қимматли қоғозлар билан савдо қилишнинг бир жойга жамланишини рағбатлантириш; қимматли қоғозлар билан операциялар қилишда «электрон имзо» тизимини жорий этиш кабиларни назарда тутувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятига тегишли бўлган меъёрий-ҳуқуқий базасини, нафақат банкларнинг, балки қимматли қоғозлар бозори такомиллаштирилишининг таклиф этилган йўналишларини бажариш учун «Қимматли қоғозлар бозоридаги операциялар билан боғлиқ хатарларни суғурталаш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар мутахассисларини тайёрлаш ўқув марказларининг фаолияти тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари фаолиятини текшириш тўғрисида» каби бир қатор Низомлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутади.

**И.ШОДИЕВА,**
**Тошкент Молия институти 2-курс магистранти**

# ЭКОЛОГИЯ ВА ИЖОДКОР

**Дўрмондаги "Ёзувчилар боғи"да "Экосан" халқаро жамғармаси ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида "Санитария, гигиена ва экологик маданият" ўн кунлиги доирасида "Ёзувчилар ижодида табиат ва инсон" мавзуида учрашув ўтказилди.**

Тарихдан маълумки, Марказий Осиё минтақасида азал-азалдан табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш одатлари шаклланиб келган. Минтақамизнинг олиму файласуфлари нафақат илм, маданият, маърифат, маънавият соҳаларида эришган ютуқлари, балки табиатга бўлган қарашлари, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш борасидаги фикрлари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшишган.

XX асрга келиб фан-техника тараққий этиши билан табиатга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Бу эса катта-катта экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Табиат ва унинг бебаҳо бойликлари – сув, тупроқ, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланиш борасида бир неча асрлар мобайнида шаклланиб келган ибратли анъаналар унутилаёзди.

Учрашувда жамият ва табиатнинг уйғунликда ривожланиши ҳақида инсонларда тушунча ҳосил қилиш, табиат гўзалликларини мадҳ этиш орқали қадрлашга ундаш лозимлиги таъкидланди. Тадбирда мазкур масалалар юзасидан эколог олимлар, ёзувчи ва шоирлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

**Ҳозир республикамиздаги кўпгина олий ўқув юртларида музейлар ташкил қилинган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети тарихи музейи ҳам экспонатларга бой.**

*Таълим*

## ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШАДИЛАР

Унинг катта бир экспозицияси шу олий ўқув юрти фахрийлари фаолиятига бағишланган. Бу тўнғич педагогика институтида кўп йиллар давомида ишлаб, катта обрў-иззат топган профессор-ўқитувчилар вакиллари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар айниқса эътиборни ўзига тортади.

Ана шу ноёб материаллар асосида янги тўплам босмага тайёрланди. «Фахрийларнинг камоли» деб номланган китоб олий ўқув юрти томонидан кўп нусхада чоп этилди.

Китобхон ушбу нашр орқали 350 нафардан зиёд устозларнинг илмий-педагогик изланишлари, яратган дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ҳам яқиндан танишади.

*Фан*

## ИЛМИЙ ЛОЙИҲА АСОСИДА

**Фан ва технологиялар Республика маркази томонидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Илмий-техникавий йўналишдаги лойиҳа бўйича олиб борилаётган изланишларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти олимлари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда.**

Юқори маневрда ҳаракатланадиган тракторларни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот ҳам ўз ижобий натижасини берди. Ана шу изланиш жараёнида агрегатнинг иш унумини оширишга оид қатор техник изланишлар амалиётга татбиқ қилинди.

Институтнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти ҳамда «Тошкент трактор заводи» ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорлиги меваси бўлмиш бу техник янгилик машинасозлик ривожига муносиб ҳисса бўлиб хизмат қилади.

**Аҳмад АББОСОВ**

# СОЛИҚЛАР — ИҚТИСОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Ҳозирги кунда такомиллашган солиқ механизмини яратиш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Солиқлар иқтисодий тизимнинг муҳим элементларидан бири бўлиб, давлатнинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши кўп даражада унга боғлиқ.**

Солиқлар ва тўловлар ёрдамида ривожланишнинг муҳим йўналишларидан бири саналган хорижий инвестицияларни иқтисодиётга кенгроқ ҳажмда жалб этиш ва юқори фойда берадиган товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконияти мавжуд. Бунда корхоналарга бериладиган солиқ имтиёзлари алоҳида аҳамиятга эга. Солиқлар ва тўловлар даромадни кўпайтиришдан манфаатдор мулкдорлар синфини шакллантиришга кўмаклашмоқда.

Тараққий этган мамлакатларда солиқ тизими давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги муҳим воситаси ҳисобланади. У орқали иқтисодий тузилмаларнинг юқори даражада мослашувчанлиги, талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносиблиги таъминланади.

Назаримизда, солиқ сиёсати мулкчилик шаклларини кенг миқёсда ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини бозор қонуниятларига мувофиқлаштириш, шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга хизмат қилиши лозим.

Ушбу масалаларни ижобий ҳал қилишда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

— юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари, уларнинг мулкий ҳолатини ҳисобга олиш имконини берувчи солиқ тизимини ривожлантириш;

— солиққа тортишнинг бир маротабалик тамойилини таъминлаш ва икки марталик солиққа тортишнинг олдини олиш;

— тадбиркорлик фаолиятига маблағларни инвестиция қилиш жараёнини рағбатлантирадиган ва бир вақтнинг ўзида ижтимоий адолат тамойилларига жавоб берадиган солиқ имтиёзларини ишлаб чиқиш;

— даромад даражаси ёки мол-мулкнинг қийматига бир вақтнинг ўзида тадбиркорликнинг соғлом ривожланишига замин яратадиган солиқ ставкаларини ўрнатиш.

Мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилишдаги дастлабки қадам МДҲ давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб Солиқ кодексининг қабул қилиниши бўлди.

Фикримизча, солиқ тизимининг иқтисодий рағбатлантирувчилик ролини ошириш уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишни талаб қилади.

Шунингдек, солиққа тортиш соҳасидаги мутахассислар назарий жиҳатдан солиқ тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихини билиши, иқтисодий жиҳатдан барқарор мамлакатлар солиқ тизимидаги фарқлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши ҳамда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлардан мунтазам равишда хабардор бўлиб бориш лозим.

Хулоса қилганимизда, мазкур талабларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда солиқ муносабатларини такомиллаштириш, корхоналарнинг истиқболли ривожланишига ўзига хос ҳисса қўшади.

**Маъруф УСМОНОВ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● ҲИКОЯТ:

Бир табиб бир кишининг олдига борган эди. Унинг икки хил овқатни бир вақтнинг ўзида еб ўтирганини кўрди. Унга:

— Икки овқатни аралаштириб ема, улар қорнингда келишолмай жанг пайдо қилади! — деди.

У эса доно табибнинг сўзларига қулоқ солмай ейишда давом этди. Бироқ, эртасига у касал бўлиб, оз фурсатда ҳолдан тойди. Ноиложликдан бир кун аввал насиҳатига қулоқ солмаган табибга одам юборишга мажбур бўлди. Табиб келиб унга:

— Айтмаганмидим, бу икки овқатни ема, улар келишолмайди деб, — дея унга таъна қилди.

У деди:

— Йўқ, сенинг гапинг бироз нотўғри, улар келишиб олишди, мени оёқдан қулатиш мақсадида иш олиб боришмоқда, деб алам билан жавоб берди.

● Ошиқдан сўрадилар:

— Дунёда ошиқ учун энг оғир уқубат нима?

У жавоб берди:

— Узоқ муддатли умиддан кейинги ноумидлик!

● Ақлли одамнинг ўзини мақташидан кўра ёмонроқ айби йўқ. Агар унинг сўзлари рост бўлса мақтанган бўлади, бордию бунинг акси бўлиб ёлғон бўлса, барчанинг олдида қадри кетади.

● Билгинки, нодонлик ўргатилмаган ҳайвонга ўхшайди. Кимки унга билиб, билмай минса у албатта хор қилади. Кимки унга яқинлашса, тўғри йўлдан оздиради.

● Ҳамма вақт ҳам ишга киришиш ўйланиб ўтиргандан яхши. Ғафлатда қолиш эса кучли душмандан ҳам баттарроқдир!

● Мард билан улфат бўлган мардликка етади, номардга яқин юрган киши ғамдан чиқмайди.

Мард одамнинг ваъдаси ҳам нақд, ҳам тез бўлади.

● Ёшлигида ким илм нурларини терса, кексайганда яхшилик уруғларини сепади.

● Бадмаст улфат — даврага кулфат.

ҲИКМАТ:

Узоқ умр кечирган бир кексадан сўрадилар:

— Ҳаётда нима орттирган яхши?

Кекса жавоб берибди:

— Дунёда икки нарсанинг заволи бўлмайди: биринчиси— эзгу ният, иккинчиси — яхшилик. Эзгу ният орзу, бахт-саодатга йўл очади, яхшилик эса парвариш қилинган боғдек албатта ўз ҳосилини беради.

● Қўлингдан келса душманингга ҳам яхшилик қил. Зора у дўстга айланиб қолса.

● Беморлар табибдан нажот топганидек инсон боласи меҳрдан камол топади.

ҲИКМАТ:

Яхшиликни раҳмдил, меҳрибон кишилардан кутинглар. Шунда сиз улардан умид қилган марҳаматга эришасизлар. Тошбағир, қаттиққўл, бераҳм одамдан зинҳор яхшилик кутманг. Олло Таоло яхшиликни яратганда унинг ўз ақлини ҳам алоҳида яратган ва уларга яхшилик ва хайрли ишларни яхши кўрсатиб қўйган. Шунинг учун улардан ким яхшилик кутса албатта мақсадига эришади. Бунинг мисоли чанқоқ бўз ерга сув қуйиб юборилса, у ер қанчалик яшнаб, ер эгаларини сероб қилгани каби яхшилик аҳли ҳам одамларга шунчалик манфаат ва баҳра етказади. Бу дунёдаги яхши кишилар охиратда ҳам яхшилар қаторида тургай.

Байт:

**Яхшилар кетидан**
**агар чопарсан,**
**Истагинг, бахтингни**
**шундан топарсан.**

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЙЎЛБАРСИ

**Шу йилнинг 5 июнь сонида Киевда нашр этиладиган "Комсомольская правда в Украине" газетаси мухбири Яна Косимчук мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами, қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида мақола эълон қилди. Қуйида ушбу материал баъзи қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этилаяпти.**

27-29 март кунлари амалга оширилган ва ташқаридаги кучлар томонидан уюштирилгани яққол кўзга ташланиб турган террорчилик ҳаракатлари бутун дунё эътиборини Ўзбекистонга тортди. Бироқ, кенг кўламда ҳаракат қилишларига қарамасдан, террорчи гуруҳлар ўз мақсадларига эриша олмадилар.

Бу ҳолат, назаримизда, Ўзбекистонда ҳукм сураётган вазиятни бевосита ифода этади, зеро, маҳаллий аҳоли террорчилар ҳаракатидан саросимага тушиб қолмади, аксинча хавф-хатар олдида унинг жипслашуви кучайганини кузатиш мумкин эди.

Афсуски, кўплаб давлатлардаги аҳволга турли кўринишдаги фавқулодда воқеалар содир этилгандагина эътибор қаратамиз. Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас. Биз ушбу мамлакатдаги ўзгаришлар ҳақида кам маълумотга эгамиз. Бу эса адолатдан эмас. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги ҳал қилувчи стратегик ўйинчига айланиб улгурди. Расмий Тошкент тутган позиция, ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, ушбу минтақа ва ундан ташқарида бўлаётган сиёсий жараёнларга бевосита таъсир ўтказаяпти ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Мавжуд ахборот бўшлиғини бироз бўлсада тўлдириш мақсадида, биз Ўзбекистондаги вазиятнинг баъзи жиҳатларига тўхталамиз.

Ўзбекистон минтақадаги аҳолиси энг зич жойлашган мамлакатдир. Аҳолининг умумий сони сўнгги юз йил давомида олти баравардан кўпроқ марта ўсган – бу, асосан, қишлоқ жойларида истиқомат қилувчилар ҳисобига амалга ошган. Шу вақт мобайнида ишлов бериладиган майдонлар майдони эса уч бараварга кенгайган.

Кўриниб турибдики, ушбу мамлакат иқтисодиётини замонавий талаблар даражасида ислоҳ қилиш долзарб зарурият эди. Тарихнинг ўзи "пахтакор республика"ни ислоҳотлар жараёнига ундаётган эди: мамлакат қарийб ярим аср давом этган пахта яккаҳокимлиги илдизидан чириган тарихий вазиятда мустақилликни қўлга киритди.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг илғор ва экологик жиҳатдан тоза соҳаларини ривожлантириш, бу билан ўсиб келаётган аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш ва шундайин ҳам кўп азоб кўрган атроф-муҳитга камроқ зарар етказишга эришиш лозим эди. Бу эса йирик миқдордаги сармоялар жалб қилинишини талаб қиларди.

Мамлакат Шарқ турмуш тарзи ва Ғарб эркин муносабатларини ўзида уйғунлаштирган ўзига хос йўлни танлади. Масалан, вазирликлар концернларга айлантирилди. Ўзбек иқтисодиётининг яна бир жиҳати мавжуд – хусусийлаштирилган корхоналарда давлатнинг сезиларли улуши сақлаб қолиниб, барча босқичларда унинг кўмаги таъминланмоқда.

Натижалар ўзини узоқ куттирмади. Тадбиркорлик учун яратилган қулай шарт-шароит ва янги инвестицион лойиҳаларнинг ишга туширилиши республика иқтисодиётининг тезкор тараққиётига замин яратди. 2004 йил январь-февраль ойларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,6 фоизга ўсди.

МДҲнинг бошқа давлатлари билан ўзаро солиштирганда Ўзбекистон муваффақиятлари яққол кўзга ташланиб қолади. 1997 йил Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 1990 йилдагига нисбатан 90 фоизни ташкил қилди. Таққослаш учун қуйидаги рақамларга эътибор беринг: Россия – 59, Украина – 42, Белоруссия – 73, Қирғизистон-60, Озарбойжон – 44 фоиз.

Ижтимоий соҳа ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда 2004 йил "Меҳр ва мурувват йили", деб эълон қилинди. Шу мақсадда ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларни ўз ичига олган йиллик комплекс дастур ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Ушбу дастур бундан аввалроқ "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили" да қабул қилинган дастурларнинг мантиқий давоми бўлди. Президент Каримов жамиятни бой ва камбағал табақаларга ажралиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда ижтимоий барқарорлик ва осойишталикни таъминлашни мақсад қилиб қўйган. Бу билан у бозор ўзгаришларига ижтимоий адолатсизлик ўрнатиш деб қараётганлардан кескин фарқ қилади.

Табиийки, ўзбек иқтисодиёти тараққиёти ва ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришлар амалда хориждаги турли жамғармалар, институтлар ва бошқа "демократия ўрнатувчи"ларни республикадаги вазиятга салбий таъсир ўтказиш имкониятидан маҳрум қилади. Ўз вақтида амалга оширилган тадбирлар бу "инқилобий тутқаноқ"қа йўл бермайдиган профилактик чорадир.

**"Жаҳон" АА**

*Мушоҳада*

# ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР АЁЛ:

## у қандай бўлиши керак?

**Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, давлат ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал этиш, мамлакат суверенитетини мустаҳкамлаш ва ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан кадрлар масаласига ва аввало, раҳбар кадрлар масаласига боғлиқ эканлиги сир эмас. Зеро, раҳбар кадрлар, давлат хизматчилари барча замон ва маконларда ислоҳотларнинг таянчи ва суянчи бўлиб келган. Шунинг учун мустақиллик йилларида эски типдаги раҳбарларга хос салбий сифатлардан халос бўлиш, давр талабларига мос раҳбар қиёфасини шакллантириш бугунги куннинг бирламчи вазифасидир.**

Раҳбар одамларни бирлаштира олиши, уларни бошқариши, юксак мақсадлар сари сафарбар этиши керак. Бунда шахсий ўрнак, раҳбарнинг ижобий қиёфаси муҳим омилга айланади. Президентимиз халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида, фикримизча айни шу нарсани назарда тутганлар «Менинг фикримча, — деган эди Юртбошимиз, — раҳбарнинг, аввало, истараси иссиқ бўлиши керак... Яъни раҳбарнинг атрофидаги муҳит, маънавий иқлим одамларни ўзига қаратиши, ўзига жалб эта олиши керак».

Сўнгги даврда бутун жаҳонда гендер масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган, хусусан, Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатда кечаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирокини таъминлаш масалалари долзарб бўлган бир шароитда, раҳбар аёл қиёфасини шакллантириш масаласи ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролининг кучайтирилиши, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларининг ҳимоя қилиниши, 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилинганлиги жамиятнинг аёлларга бўлган муносабатининг яққол далилидир. Бинобарин, Юртбошимиз, «Хотин-қизларимизнинг жамиятдаги мақоми ва мавқеини кўтариш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимизнинг, жамиятимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланиши лозим», дея таъкидлаганлар. Бу хотин-қизларнинг оилани шакллантиришдаги, турмушни йўлга қўйишдаги, навқирон авлодни тарбиялашдаги, давлат, жамият ва маданий қурилишдаги юксак мавқеи ва улушининг эътирофи бўлиши билан биргаликда уларнинг мамлакатнинг истиқболини барпо этишдаги битмас-туганмас салоҳиятига берилган муносиб баҳо ва бу салоҳиятдан фойдаланишга бўлган интилиш ҳамдир.

Умуман олганда шуни таъкидлаш зарурки, қачонки, аёллар хотиржам оилага эга, ҳаётдан умидвор, яхши маълумот олган бўлсалар, қачонки уларнинг маънавий эҳтиёжи, ўзларига ишончи кучли бўлса, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига қизиқсалар, ақлли ва тарбияли фарзандларни вояга етказган бўлсалар, ҳар томонлама етук билимга эга бўлсалар, шундагина улар бошқарув субъектига айланадилар.

Бугунги кунда аёлнинг етакчилик салоҳияти, қиёфаси қуйидагича асосларда шаклланади:

— биринчидан, энг аввало аёл ўз латофатини сақлаб, уни ривожлантириши лозим;

— иккинчидан, у албатта ўз касбининг кучли мутахассиси бўлиши шарт;

— учинчидан (мақсадли равишда) ўзидаги мужассам барча ижобий фазилатларни ривожлантириб, раҳбар учун зарур хусусиятларни шакллантириб, бетакрор қиёфасини, тимсолини, яъни қиёфасини яратиши даркор;

— тўртинчидан, талабчанликни ўз имижининг тимсолига айлантириш орқали, бу хислатни ходимлари онгида ҳам шакллантира билиши ва бунда аёлларга хос тарбиячилик истеъдодидан фойдаланиши керак;

— бешинчидан, у аёлларга хос дипломатия усулларини ишлата оладиган моҳир ва профессионал раҳбар—етакчи бўлишга бор куч ва билимини ишлата билиши лозим.

Жамиятда аёлларнинг нуфузи юқори. Шу боисдан уларни давлат ва жамият бошқаруви ва хотин-қизлар ташкилотларида фаоллигини ошириш мақсадида Республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг кучли кафолатлари яратилган, ёш авлодга таълим бериш ва уни касбий тайёрлаш тизими ислоҳ этилмоқда, оилани мустаҳкамлашга, кўмаклашишга, уни моддий қўллаб-қувватлашга даъват этилган турли ижтимоий жамғармалар ташкил қилинган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш механизмларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги стратегик вазифасидан келиб чиқиб, аёллар манфаатлари, оналик ва болалик масалаларининг миллий қонунчиликда халқаро меъёрлар орқали кўриб чиқилиши аёлларнинг мақоми ва нуфузининг нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ошаётганлигининг исботидир.

Шу муносабат билан барча даражадаги бошқарув тузилмаларида хотин-қизларнинг ролини ошириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларида, нодавлат ташкилотларида ва жамоатчилик бирлашмаларида хотин-қизларнинг фаол иштирок этишлари учун шарт-шароит яратиш, бир сўз билан айтганда, жамиятнинг турли жабҳаларида самарали фаолият юрита оладиган, аёлларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш қобилиятига эга, янгича фикр-мулоҳазали, курашчан, фаол, обрўли, изланувчан, талабчан, ўзини-ўзи яратаётган замонавий раҳбар аёл қиёфасини шакллантириш ниҳоятда зарур.

Зеро, Шарқ аёлида қон-қонига сингиб кетган миллий қадриятлар, ибо, ҳаё, андиша каби фазилатлар мужассамдир. Халқимиз онгига мужассамлашиб кетган шундай тамойиллар борки, хусусан, аёл қанчалик раҳбар бўлмасин, эркаклар олдида ўзининг ибоси, катталар олдида ўзининг андишаси, турли маросимларда ўзининг миллийлиги каби ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Шекспир бу ҳақда: «Аёлнинг кучи — заифлигидадир», — деб кўрсатиб ўтган.

Шундай экан, янги тараққиёт йўлда Ўзбекистон давлати ҳар томонлама аёлларнинг мақомини оширишда етарли шарт-шароит яратиб, уларни ҳимоя қилувчи халқаро ва миллий ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиб, жорий этишни ўзига мақсад қилиб олмоқда. Бу эса ўз навбатида аёл раҳбарлардан ўз ички ва ташқи салоҳиятларидан, яратилаётган бор имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда замонавий қиёфасини шакллантиришини талаб этмоқда. Бинобарин, бу давр, макон ва муҳит талабидир.

**Гулруҳ АЪЗАМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

*Билиб қўйган яхши*

# МЎМИЁ ДОРИ ВОСИТАСИМИ?

Мақоламиз мавзуси ўша биз таниган, минг дардга даво мўмиёйи — асил ҳақида. Мўмиё турли халқлар табобатида бир неча асрлардан буён етакчилик қилиб келган. Бирмада «чао-тун» — тоғ қони, Тибетда «барагшин» чўққи суви, Сибирда «тош мойи», Мисрда «иллирия мумии», Эронда «дароби», Ҳиндистонда «салажий» тоғ асали, Шарқда эса мўмиёйи-асил номи билан машҳур бу малҳам аслида нима ўзи?

Тилшуносларнинг фикрига кўра «Мум» сўзи форс тилида «танани ҳимоя қилувчи» деган маънони билдирар экан. Мўмиёнинг таркиби эрамиздан олдинги III минг йилликда мисрликлар ўлганларни мўмиёлаш учун ишлатган малҳамга жуда яқинлиги аниқланган. Қадимги Миср маданияти бўйича етук мутахассис Пётер Элебрахтнинг фикрига кўра, Миср эҳромларининг таланишига айнан мана шу мум сабабчи экан. Бу ҳақда эса, бундан 1200 йил олдин яшаган араб табиби Абд-Ал-Латиф ёзиб кетган. Унинг ёзишича мўмиёланган калла суяги ярим дирҳам нархга сотилган экан. Аввалига мўмиёлар ўралган матолар, кейинчалик эса жасадлар ҳам сотила бошланди. Қоҳира ва Александрия савдогарлари мисрлик қулларни мўмиёланган жасадларни кавлаб олиш учун сафарбар қилганлар. Вақт ўтиб бу тўғридаги хабарлар Европагача етиб борди. Агар эсингизда бўлса, Шекспирнинг Отеллоси ёнида доимо мўмиёнинг тупроғига ювилган дастрўмол олиб юргани маълум. Франция қироли Франциско I мўмиёнинг ҳокини доимо ёнида олиб юрган. Англия қироли Карл II эса, фиръавнлар буюклигига ҳавас қилиб ҳокни баданига сурган. XIV асрга келиб бундай малҳамлар жуда оммалашди. Француз шифокори Ли де Лафонтоннинг 1564 йилда нашр этилган китобида ёзилишича, қуллар олиб сотадиган савдогарлар мўмиё тайёрлаш мақсадида кўпгина қулларни қурбон қилишар экан.

Йиллар, асрлар ўтди, аммо ҳамон мўмиё хусусида турли тахминлару гумонлар кўп. Кимдир мўмиёни тоғу тошлар ҳосиласи, кимдир нефть бирикмаси, яна бошқалар ҳайвон жасадларининг қолдиғи деб билади. Бундан ўн етти йилча олдин «Химия ва ҳаёт» журналида мўмиёнинг спектриал анализи чоп этилди, унга кўра мўмиё таркибида инсон танасининг ҳаётий жараёнлари учун зарур микроэлементлар мавжуд экан. Турли тахминлар, қарашлар, зиддиятлар ва афсоналарга қарамасдан мўмиё ҳамон дори воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон доришунослари мўмиё таблеткасини ишлаб чиқдилар. Москва доришуноси Н.Макаров томонидан мўмиёнинг сунъий ўхшаши топилган. Ҳозирда мўмиё инсон иммунитетини кўтарувчи ажойиб дори воситаси ҳисобланади.

**Дилафрўз АБДУСАТТОРОВА тайёрлади**

---

Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги 155-ўрта мактаб томонидан 1982 йили Жбанова Анжелика Анатольевна номига берилган В № 853195 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти томонидан 1986 йили Абдуғани Мухамадиев номига берилган МВ № 067600 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР • ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI — TOSHKENT — МБМ

## «ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

### Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

**Биржа савдоларига «Автомакон» савдо-ярмарка мажмуаси шўъба хўжалик жамиятининг Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 3-уйда жойлашган автомажмуа ҳудудидаги майдони 18 кв.метрдан бўлган қуйидаги товар турлари сотиш учун мўлжалланган турғун савдо дўконлари қўйилган:**

кийим-кечак ва пойабзал моллари;
газмоллар;
канцелярия моллари;
электр ва хўжалик моллари;
маиший кимё тозалаш моллари;
озиқ-овқат моллари;
«DAEWOO» авто-эҳтиёт қисмлари;
авто улов аксессуарлари;
чет-эл авто улов эҳтиёт қисмлари;
«ГАЗ», «ВАЗ» ва «Москвич» авто-эҳтиёт қисмлари;
авто лак-бўёқ маҳсулотлари;
автошина ва ғилдираклар.

**Ҳар бир савдо дўконнинг бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

**Ҳамда қуйидаги объектлар:**

Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган, майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси;
Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм;

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'zdavlatta'limloyihaqurilish» МЧЖнинг 90 фоизлик давлат улуши;
Бошланғич нархи — 1 514 250 сўм;

"Руслан Шамшади" хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги дастгоҳлар:
— СМЖ-357 дастгоҳи, бошланғич нархи — 1 400 221 сўм,
— Токарлик-револьверли 1Г 340 П дастгоҳи, бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11-00 дан 12-00 гача ҳамда 16-00 дан 17-00 гача "Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази"да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.**
**Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74.**
**Сайт: www.tshmbm.uz; Эл.почта: info@tshmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz**



• кенг ассортимент • арзон нархлар •

**КАНЦТОВАРЛАР ҚОҒОЗ ВА БЛАНКАЛАР**

биринчи қўлдан!!!

• янги маҳсулотлар • ҳақ тўлаш - турлича •

**OFFICE TRADING**

*Офисингиз учун ҳамма нарса*

199-42-22, 199-43-33

www.officetrading.com

Маҳсулот сертификатланган

• Улгуржи мижозларга Тошкент шаҳри бўйича БЕПУЛ етказиб бериш •



## ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

**Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари ва аҳоли диққатига!**

- юридик ва жисмоний шахсларга ҳисоб рақами очиш ва юритиш;
- юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларга — савдо-сотиқ, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш мақсадида нақд ҳолда пул ўтказиш йўли билан миллий валюта сўмда ва чет эл валютасида кредитлар ажратиш;
- валюта айирбошлаш операциялари;
- WESTERN UNION пул ўтказмалари;
- аҳоли бўш маблағларини жамғармаларга қабул қилиш;
- коммунал тўловлари;
- лизинг операциялари;
- бошқа банк фаолият турлари бўйича хизмат кўрсатиш;

**Сизни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Майна Ҳасанова кўчаси 5-уй. Телефон: 96-25-42, 191-73-76, 194-55-88.**

**«ҲАМКОРБАНК» Сизнинг энг қулай ҲАМКОРИНГИЗ!!!**



## "ИШЛАБ ТОП!"

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



KAMOLOT — TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



Тошкент шаҳар "КАМОЛОТ"и тадбиркорларга "Ишлаб топ" ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.

Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.
Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга "Тасвир" нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.


## ДИҚҚАТ, НАЗОРАТ!

***Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!***

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

**Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз: 133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.**
**Факс: (3712) 133-29-09.**
**Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

газеталари таҳририяти реклама агентларини ишга қабул қилади.
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

*Спорт*

## МУТАХАССИСЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАДИ

**Люксембургда шахмат бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.**

Шуниси қувонарлики, 352 нафар жаҳоннинг таниқли шахматчилари қатнашган ушбу нуфузли турнирда мамлакатимизнинг биринчи рақамли шахматчиси, халқаро гросмейстер Рустам Қосимжонов ҳам иштирок этди. Мутахассислар эътирофи бўйича Рустам Қосимжонов ҳам турнир ғолиблигига даъвогарлардан ҳисобланарди. Дарҳақиқат, Рустам мутахассислар ишончини оқлаб 9 имкониятдан 8 очко жамғарди ва халқаро турнирнинг ғолиблигини қўлга киритди.

## ПОЙТАХТЛИКЛАР — ҒОЛИБ

**Тошкент шаҳридаги «Динамо» спорт мажмуасида ўқ отиш спорти бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари ўтказилди.**

Республика Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан ёшларнинг мерганлиги ҳамда зукколигини синовдан ўтказиш мақсадида уюштирилган ушбу мусобақаларда Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Самарқанд ва Жиззах вилояти жамоалари ўзаро куч синашишди.

Биринчиликнинг пневматик милтиқдан ўқ отиш йўналишида пойтахтлик мерганлар Мария Теплова ҳамда Анастасия Беловаларга ҳеч ким бас келолмади. Умумжамоа ҳисобида ҳам пойтахт жамоаси аъзоларига биринчи ўрин насиб этди.

## ЁШ ТАЭКВОНДОЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

**Келажагимиз ворислари-ёшларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни беқиёс.**

Куни кеча шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Умид» соғломлаштириш спорт мажмуасида ёшлар ўртасида таэквондо бўйича «Ал-Акбар» клубининг очиқ турнири бўлиб ўтди.

«Ёшлар — гиёвандликка қарши» шиори остида Дилшод Боймуродов хотираси соврини учун ташкил этилган ушбу турнирда пойтахтимизда таэквондо билан шуғулланаётган 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар иштирок этишди.

Қизғин курашларга бой, муросасиз кечган беллашувлар «Ал-Акбар» таэквондо клуби тарбияланувчиларининг рақибларидан маҳоратлироқ эканликларини исботлади ва клуб аъзолари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Турнир якунида ғолиб ва совриндорларга мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совғалари топширилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

---

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти Файзулла Хўжаев маҳалла фуқаролар йиғини раиси

**Йўлдош ХАЛИЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

*Европа чемпионати*

# КЕСКИН ВА ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВЛАР

**Ўтган куни бутун жаҳондаги футбол ишқибозларию мутахассислар узоқ вақт орзиқиб кутган фурсатлар келиб Португалиянинг Порту шаҳрида футбол бўйича XII Европа чемпионати бошланди.**

Янги замонавий «Драгау» стадионига келган 52 минг ишқибоз Португалия тарихининг энг ёрқин нуқталарини ўзида акс эттирган чемпионатнинг чиройли очилиш маросимининг гувоҳи бўлишгач, илк ўйинда майдонга «А» гуруҳидан ўрин олган жамоалар — Португалия ва Греция терма командалари тушишди.

Биз мақоламизни бежиз «Португалия «аждаҳо» комида» дея номламадик. Зеро, «Драгау» стадиони номи ўзбекчада «Аждаҳо» маъносини англатиб, аксарият кишилар ушбу ўйингоҳда Грецияни бамисоли аждаҳо ўз домига тортади, дея башорат қилишганди. Негаде гандa авваламбор португаллар мезбон бўлишса, иккинчидан ушбу жамоа таркибида Фигу, Коштинья, Руи Кошта, Нуну Гомиш, Паулета каби улкан юлдузлар мавжуд эди.

Шундай бўлса-да, ўйин кутилмаганда грекларнинг шиддатли ҳужумлари билан бошланди. 7-дақиқада Георгиас Карагунис чамаси 25 метрлардан аниқ ва кучли зарба билан ҳисобни очди ҳамда чемпионатнинг дастлабки тўпини киритди.

Жаҳоннинг энг кучли футболчиларидан бири, юксак техникага эга Луиш Фигунинг ўнг қанотдан уюштирган кўплаб ҳужумлари самара бермасдан биринчи бўлим шу кичик ҳисоб билан ниҳоясига етди.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги ўн йилликнинг энг кучли ҳакамі деб тан олинган италиялик Пьер Луиджи Калина бош ҳакам сифатида ўйинни бошқаргани сабабли беллашув жуда холисона тарзда ўтди. Бош ҳакам 51-дақиқада майдон эгалари дарвозаси томон 11 метрлик жарима тўпини белгилади. Уни Ангелос Басинас дарвозанинг ўнг юқори бурчагига жуда кучли ва қайтариб бўлмас зарба билан йўллаб ҳисобни оширди.

Греклар бош мураббийси Отто Рехагелнинг «Йўқотадиган ҳеч нарсамиз йўқ» деганидек юнонлар майдонда эркин ва аниқ тарзда ҳаракат қилиб, яна кўплаб хавфли вазиятлар вужудга келтиришди. Фақат қўшимча вақтда Луиш Фигунинг қойилмақом тарзда узатган жарима тўпини Кристиану Роналду боши билан тўрга тушириб ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди.

Шундай қилиб, 2:1 ҳисобидаги ғалаба билан греклар чемпионатнинг энг шов-шувли натижасини қўрсатдилар.

Кейинги ўйинда шу гуруҳдан ўрин олган Россия ва Испания терма жамоалари ўзаро беллашди. Чемпионат арафасида В.Онопко каби энг тажрибали ўйинчи, ҳимоя чизиғи етакчисидан ажралиш россияликлар учун оғир кечди. Дастлабки ўйинда Россия термаси таркибида майдонга асосан ёш, тажрибасиз ўйинчилар тушганлиги сабабли учрашув деярли бошидан охиригача жуда кучли ярим ҳимоя ва ҳужум чизиқларига эга испанларнинг кўплаб ҳужумлари остида ўтди. Фақат Раул Гонсалеснинг ўзи бир неча бор қулай имкониятлардан фойдалана олмади.

Испанлар фақат бир бор — 60 дақиқада Хуан Карлос Валеронинг аниқ зарбасидан сўнг дарвозани забт этишга муваффақ бўлиб, 1:0 ҳисобидаги қийин ғалабага эришишди.

Кеча «В» гуруҳидан ўрин олган жамоалар баҳс юритишди.

Дастлаб чемпионатнинг кучсиз командалари қаторига кирувчи Швейцария ва Хорватия термалари учрашуви 0:0 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди. Сўнг майдонда амалдаги Европа чемпиони французлар ва жуда кучли Англия терма жамоаси тушди.

Зинедин Зидан ва Дэвид Бекхэм етакчилигидаги ҳар икки жамоа ғалабаси кўп жиҳатдан юқоридаги ўйинчиларнинг қай тарзда тўп суришига, баҳсни қандай бошқаришига боғлиқ эди.

Бинобарин бу баҳс ва учрашув тақдири ҳам Зидан етакчилигидаги французлар фойдасига ҳал бўлганини ишқибозларнинг ўзлари бевосита кузатишди.

Биринчи бўлимда Фрэнк Лэмпард узатилган жарима тўпини боши билан дарвозага йўллаб ҳисобни очган ва тайм инглизлар фойдасига ҳал бўлган бўлса-да, асосий воқеалар 2 бўлимда кечди. Ф.Бартезнинг улкан маҳорати Дэвид Бекхэмнинг 11 метрлик жарима тўпини барбод этди. Ўйиннинг охирги дақиқаларида Зинедин Зиданнинг жарима тўпи ва пенальтидан аниқ зарбалари французларнинг 2:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Бугун «С» гуруҳидан ўрин олган жамоалар Дания-Италия ҳамда Швеция ва Болгария термалари дастлабки учрашувларини ўтказишади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

---

# ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги кенгашига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида шаҳар ҳудудида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойишига кўра кенгаш кунлари шароит тақозо этганда барча турдаги транспорт воситаларининг ҳаракати чекланиши режалаштирилган кўчалар рўйхати:**

**14-18 июнь кунлари вазиятга қараб:**

— С.Толипов кўчаси — М.Хайдар 1-тор кўчасидан маҳаллий аэропорт хиёбонигача;

— Халқаро ва маҳаллий аэропорт майдонлари;

— Маҳаллий аэропорт хиёбонидан С.Толипов кўчасига чиқиш жойи;

**15 июнь куни:**

— Ш.Рашидов кўчаси — А.Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;

— А.Навоий кўчаси — А.Темур кўчасидан У.Юсупов кўчасига қадар;

— Ўзбекистон кўчаси — Ота Турк кўчасидан Т.Тўла кўчасига қадар;

— Буюк Турон кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Х.Сулаймонова кўчасига қадар;

— Бухоро кўчаси — Ота Турк кўчасидан Буюк Турон кўчасига қадар;

— Матбуотчилар кўчаси — Ота Турк кўчасидан Ш.Рашидов кўчасига қадар;

— Х.Сулаймонова кўчаси — Ота Турк кўчасидан Ш.Рашидов кўчасига қадар;

**16 июнь куни:**

— Халқлар Дўстлиги кўчаси — Муқимий кўчасидан А.Хўжаев кўчасига қадар;

— А.Хўжаев кўчаси — С.Дарвоза кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;

— Ўзбекистон кўчаси — Х.Дўстлиги кўчасидан Мовароуннаҳр кўчасига қадар;

— Бобур кўчаси — Б.Бобоев кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

— Т.Тўла кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Олмазор кўчасига қадар;

— Фурқат кўчаси — Олмазор кўчасидан А.Навоий кўчасига қадар;

— Абай кўчаси — А.Навоий кўчасидан Т.Тўла кўчасига қадар (жамоат транспорти А.Навоий кўчаси томонидан «Пахтакор» шоҳбекатига қадар ҳаракатда бўлади);

— Зарқайнар кўчасидан тоннелга кириш йўли;

— Ғ.Ғулом кўчасидан тоннелга кириш йўли;

— Т.Расулов кўчаси — Х.Дўстлиги кўчасидан Қозиробод кўчасига қадар;

— Абай кўчаси — А.Навоий кўчасидан Т.Тўла кўчасига қадар (жамоат транспорти А.Навоий кўчаси томонидан «Пахтакор шоҳбекатига қадар ҳаракатда бўлади);

— Х.Дўстлиги метро бекатида йўловчиларнинг кириш-чиқиши вақтинчалик тўхтатилади;

— А.Темур кўчаси — Хуршид кўчасидан гвард.полк. Хўжаев кўчасига қадар;

— Х.Асомов кўчаси — А.Темур кўчасидан Х.Юсупов кўчасига қадар;

— Ш.Рашидов кўчаси — Хуршид кўчасидан Х.Асомов кўчасига қадар;

— Носиров 4 тор кўчаси — Шуҳрат кўчасидан А.Темур кўчасига қадар;

— Шивли кўчаси — Шуҳрат кўчасидан А.Темур кўчасига қадар;

— Ж.Обидова кўчаси—Шуҳрат кўчасидан А.Темур кўчасига қадар;

— Бодомзор метро бекатидан йўловчиларнинг кириш-чиқиши вақтинчалик тўхтатилади.

**17 июнь куни:**

— Ф.Хўжаев кўчаси — ак.Х.Абдуллаев кўчасидан Навниҳол кўчасига қадар;

— Навниҳол кўчаси — Ф.Хўжаев кўчасидан Н.Ҳожибоев кўчасига қадар;

— Ж.Мангуберди кўчаси — Ф.Хўжаев кўчасидан Н.Хожибоев кўчасига қадар;

— Гулбаданбегим кўчаси — Ф.Хўжаев кўчасидан Н.Ҳожибоев кўчасига қадар;

Тепамасчит кўчаси — Ф.Хўжаев кўчасидан Н.Хожибоев кўчасига қадар;

— Мўминов кўчаси — Н.Ҳожибоев кўчасидан Тошкент шаҳар Фуқаролик ишлари бўйича суди биносига қадар;

— Мағрур кўчаси — Гулрўй кўчасидан Ф.Хўжаев кўчасига қадар;

— А.Темур кўчаси — Хуршид кўчасидан гвард.полк.Хўжаев кўчасига қадар;

— Х.Асомов кўчаси — А.Темур кўчасидан Х.Юсупов кўчасига қадар;

— Ш.Рашидов кўчаси — Хуршид кўчасидан Х.Асомов кўчасига қадар;

— Носиров 4 тор кўчаси — Шуҳрат кўчасидан А.Темур кўчасига қадар.

---




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4172 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.